

УЛКАН САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ
ДРАЙВЕРЛАРИГА АЙЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев янги йирик sanoat қувватларини ишга тушириш, шунингдек, мавжуд корхоналар фаолияти билан танишиб, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида 27 август куни Навоий вилоятида бўлди.

Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрами арафасида Навоий вилояти Кармана туманида мамлакатимиздаги ilk қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Бугунги кунгача газ, нефть каби углеводородлар энергиясидан фойдаланиш кенг тарқалган. Лекин уларнинг захиралари чекланган. Шу боис, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалари ривожлантирилмоқда.

Маълумки, юртимизда бир йилда ўртача 320 қуёшли кун кузатилади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда қуёш станцияларини қуриш орқали жами 600 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти бор. Бу — мамлакатимизнинг энергияга бўлган жами эҳтиёжидан 8 баробар кўп энергия ишлаб чиқариш мумкин, дегани.

Шу боис, хорижий инвесторлар жалб этилиб, кўплаб қуёш электр станциялари қурилмоқда. Кармана туманидаги станция улардан биринчисидир.

Мазкур мажмуа қурилиши ўтган йили бошланган эди. 110 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 300 мингта қуёш панеллари ўрнатилди. Унинг қуввати 100 мегаватт.

— Ушбу станция янги Ўзбекистон энергетика тизимида биринчи улкан кадам, таъбир жоиз бўлса, “биринчи қалдирғоч” бўлиб, соҳа ривожига мутлақо янги даврни бошлаб бермоқда.

Бу ерда йилига 252 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бунинг ҳисобидан 80 миллион куб метр табиий газ тежалиб, атмосферага 160 минг тонна буғланувчи газлар чиқилишининг олди олинади, — деди Шавкат Мирзиёев.

“Nur Navoiy solar” номли ушбу лойиҳа Бирлашган Араб Амирлигининг “Масдар” компанияси томонидан амалга оширилди. Президентимиз мазкур давлат билан ўзаро ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Биргина энергетика соҳасида умумий қиймати қарийб 1,5 миллиард доллар бўлган 1 минг 700 мегаваттлик 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Жумладан, Навоий вилоятининг ўзига 2023 йилда “Масдар” компанияси билан ҳамкорликда 500 мегаваттлик шамоп станцияси ва “Фанес групп” иштирокида 200 мегаваттлик қуёш станцияси барпо этилади.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ
МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 август куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентига Жамбил вилояти Бойзоқ туманида рўй берган фожиали воқеа оқибатида инсонлар қурбон бўлгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди. Ўзбекистон Қозоғистонга фавқуллоҳда ҳодиса оқибатларини бартараф этишда зарур кўмак кўрсатишга тайёр экани таъкидланди.

Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг долзарб масалалари қўриб чиқилди. Кўп қиррали ҳамкорлик ижобий суръат билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Савдо, sanoat, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, туризм соҳаларида кооперация лойиҳаларини, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Президентлар, шунингдек, минтақа кун тартиби, аввало, Афғонистондаги вазиятнинг кескинлашиши юзасидан фикр алмашди. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш масалаларида яқиндан ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

ЎЗА

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ
ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг азиз умуммиллий байрамимиз — Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганининг ўттиз йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИВАЛЕНТИНА ИВАНОВНА
МАТВИЕНКОНИ
“ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон — Россия ўртасидаги, шу жумладан, минтақалараро ўзаро ҳамкорлик ва икки томонлама маданий-гуманитар алмашинув салоҳиятини янада тўлиқроқ рўёбга чиқаришга қаратилган кўп қиррали қўшма дастурлар ва лойиҳаларни самарали амалга оширишга кўмаклашишдаги фаол саъй-ҳаракатлари ва шахсий ҳиссаси учун Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Ивановна Матвиенко “Дўстлик” ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 27 август

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИРАШИД ОВЕЗГЕЛДИЕВИЧ
МЕРЕДОВНИ
“ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини, стратегик шерикчилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшган улкан шахсий ҳиссаси, савдо, sanoat, аграр сектори, энергетика, сув хўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларида қўшма дастурларни ва кооперация лойиҳаларини илгари суришдаги, шунингдек, маданий-гуманитар алмашинув соҳасидаги фаоллиги учун Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Овезгелдиевич Мередов “Дўстлик” ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 27 август

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ
ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш, ўзаро шериклини чуқурлаштириш, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни жадал ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссаси, юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни ва туб ўзгаришларни муносиб қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон ташаббусларини халқаро миқёсда фаол илгари суришга қаратилган сермахсул ишлари, шунингдек, халқларимиз орасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳини янада мустаҳкамлаш, манфаатли ва кўп қиррали муносабатларни янги босқичга кўтариш борасидаги самарали фаолияти учун қуйидагилар “Дўстлик” ордени билан мукофотлансин:

Суҳайл бин Муҳаммад Фараж ал-Мазруий — Бирлашган Араб Амирликларининг энергетика ва инфратузилма вазири

Цзинь Лицунь — Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти

Ким Чангкеон — Корея — Ўзбекистон бизнес ассоциацияси раисининг биринчи ўринбосари, Корея Республикаси

Квинт Владимир Львович — М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети-нинг Мураккаб тизимларни математик тадқиқ қилиш институти Стратегик тадқиқотлар маркази директори, Россия Федерацияси

Юсупов Илҳом Темирович — Сўғд вилояти “Ўзбеклар маънавият ва маърифат маркази” жамоатчилик ташкилоти раиси, Тожикистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 27 август

УЛКАН САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ДРАЙВЕРЛАРИГА АЙЛНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари фотоэлектр станцияси қурилишида иштирок этган хорижий инвесторлар, барча қурувчи ва мутахассисларга миннатдорлик билдирди.

Бу станциянинг аҳамияти шундаки, аҳоли ва саноатнинг ўсиб бораётган эҳтиёжини барқарор энергия билан таъминлайди. Нархи ҳам арзон — 1 киловатт-соат учун 2,67 АҚШ центи.

Яна бир муҳим жиҳати, бундай лойиҳалар туфайли юртимизда янги ишлаб чиқариш йўналишлари, замонавий технологиялар пайдо бўлмоқда.

Хусусан, мазкур станция қурилиши учун “Узэлектроаппарат” корхонасидан электротехника жиҳозлари, “Ўзбеккабель”, “Эйч-Пи-Си системс” корхоналаридан кабеллар, Бектемир металл конструкциялари заводидан таянч устунлар келтирилган.

Умуман, бундай йирик лойиҳалар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун йилга камида 1 миллиард долларлик янги бозор, электротехника кластери ташкил этиш учун пухта замин яратди.

Ушбу кластерда қўёш панеллари, кабель маҳсулотлари, трансформаторлар, аккумуляторлар, электр двигателлар, шамол электр станцияси учун генератор ва таянч ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мумкин. Бу минглаб янги иш жойлари деганидир.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жадал ривожланиб, унинг таркибида саноат улуши ортиб бормоқда. Аҳоли турмуш даражаси ўсиб, электр техникаларидан фойдаланиш кўпаймоқда. Хусусан, сўнгги 5 йилда электр энергияси истеъмолчиси бўлган тадбиркорлар сони 25 фоизга, уларнинг истеъмол ҳажми эса 30 фоизга кўпайган.

Президентимиз иқтисодиёт, жумладан, энергетикани ривожлантиришга қаратилган режаларни ҳам айтиб ўтди.

— Келгуси 5 йилда иқтисодиёtimиз ўсишини 1,5 баробарга ошириб, ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 100 миллиард долларга етказишни режа қилганмиз. Бу борада ўрта ва йирик шаклдаги минглаб янги саноат корхоналари ишга туширилади, электр энергиясига эҳтиёж 100 миллиард киловатт-соатга етади. Бу рақам ҳозиргидан 30 миллиард киловатт-соатга кўп дегани.

Шунинг учун электр энергияси соҳасида янги ислохот ва лойиҳаларни

амалга ошириш бўйича жуда катта режаларни белгилаб олганмиз. Жумладан, келгуси 5 йилда қиймати 6,5 миллиард доллар бўлган 19 та лойиҳа ҳисобидан қўшимча равишда 11 минг 500 мегаватт янги қувватлар ишга туширилади. 2030 йилга бориб электр энергияси ишлаб чиқариш таркибида қайта тикланувчи манбалар улуши 30 фоиздан ортади. Электр энергиясини худудларга етказиш учун 500 ва 220 киловольтли 3 минг километр янги электр тармоқлари барпо этилади, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу билан бирга, бугунги кунда паст қучланишли тармоқларнинг 66 фоизи, подстанцияларнинг 74 фоизи ва трансформатор пунктларининг 50 фоиздан кўпроги эскирган. Шу боис, келгуси беш йилда жами 70 минг километр паст қучланишли электр тармоқлари, 22 минг дона трансформатор ва 100 дан ортиқ подстанциялар янгиланиши қайд этилди.

Марказий Осиё мамлакатлари ягона энергетика занжирини ташкил этиш ва бу соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича иш олиб бормоқда. Шу мақсадда электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилиши, минтақа энергия тизимини ўзаро боғлайдиган қўшимча магистрал тармоқлар қурилиши маълум қилинди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев рамзий дастакни ҳаракатга келтириб, қўёш фотоэлектр станциясини ишга туширди.

Тадбирда иштирок этган муҳандис ва қурувчилар, навоийлик нуруноиллар ва ёшлар, шунингдек, хорижий инвесторлар сўзга чиқиб, янги станциянинг аҳамияти ҳақида гапирди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “Навоийазот” акциядорлик жамиятига ташриф буюрди. Бу ерда бир йўла иккита завод — азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш корхоналарининг очилиш маросими бўлди.

Кимё саноати мамлакатимиз иқтисодиётида асосий драйверлардан бирига айланмоқда. Илгари бу тармоқ асосан қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар ишлаб чиқариб, бундай маҳсулотларнинг улуши соҳада қарийб 80 фоизни ташкил этар эди. Бугунги кунда замонавий полимерлар ишлаб чиқарилаётгани ҳисобидан минерал ўғитлар улуши 10 фоизга қисқарди, бошқа соҳалар

учун тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажми эса 6 марта ошди.

Кейинги беш йилда “Ўзкимёсаноат” тизимида товар маҳсулотлари ҳажми 4 марта ошди, кимёвий маҳсулотлар экспорти 250 миллион долларга етмоқда.

Бунда “Навоийазот” акциядорлик жамиятининг ўрни жуда катта. Бу ерда мамлакатимиз кимё саноати маҳсулотларининг қарийб ярми ишлаб чиқарилади. 9 мингга яқин муҳандис, технолог ва моҳир ишчилар меҳнат қилади.

Янги ишга туширилган азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид корхоналари соҳа ривожига қўшимча суръат беради. Умумий қиймати 1,5 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳалар “Навоийазот”да маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар ошириб, бу кўрсаткични йиллик 150 миллион доллардан 410 миллион долларгача олиб чиқади.

Ўзбекистонга биринчи марта олиб келинган, энг илгор технологиялар билан жиҳозланган ушбу замонавий мажмуалар 60 йил аввалги эски қувватлар ўрнини тўлиқ эгаллайди.

Хусусан, биринчи корхонада йилга 660 минг тонна аммиак ва 578 минг тонна карбамид ишлаб чиқарилади. Бунда бир тонна аммиак ишлаб чиқариш учун энергия сарфи 2,5 марта камаяди.

Иккинчи корхонада эса йилга 500 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқарилиб, электр энергияси сарфи 18 марта қисқаради.

Фақатгина ана шу иккита лойиҳа эвазига ишлаб чиқарилаётган азотли ўғит таннарни 30 фоизга пасаяди.

— Бу рақамлар ортида корхонанинг минглаб меҳнатсевар, фидойи ишчилари, юқори малакали мутахассисларнинг машаққатли, айни вақтда шарафли меҳнати муҳассам, — деди Шавкат Мирзиёев. Ва уларга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари рамзий тугма ни босиб, азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид корхоналарини ишга туширди.

2019 йил 28 декабрь куни Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилган эди.

Бугун поливинилхлорид корхонасининг иккинчи босқичи қурилиши бошланди. 400 миллион доллар қийматга эга бўлган ушбу лойиҳа поливинилхлорид ишлаб чиқариш қувватини йилга 100 минг тоннадан 220 минг тоннага, каустик содани эса 75 минг тоннадан 165 минг тоннага етказиш имконини

беради. Шу тариқа электротехника, мебелсозлик, қурилиш материаллари саноати, маиший кимё ва бошқа соҳаларда йилга талаб юқори бўлган 210 миллион долларлик маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Уни 2023 йилда ишга тушириш мўлжалланган.

Муҳим томони — бу корхона орқали “Навоийазот” ва “Электр кимё заводи” негизига йирик, ўзаро интеграция қилинган кимё кластерини ташкил этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу кластер салоҳияти, истиқболини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Бу кластерда яқин йилларда умумий қиймати 3,4 миллиард доллар бўлган 23 та лойиҳа амалга оширилади. Кластер доирасида 33 турдаги юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Хусусан, йил якунига қадар кластер доирасида кимё, чарм, мебелсозлик ва қурилиш материаллари саноати учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган 2 та лойиҳа ишга туширилади. Энг муҳими, шу асосда “Навоийазот”да қўшимча 3 мингтадан зиёд янги иш ўринлари очилади, — деди Президент.

Мамлакатимиздаги иқтисодий лойиҳалар ўзаро оқилона боғланган ва бир-бирини тўлдирлади. Масалан, 2030 йилгача 8 минг мегаватт қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган бўлиб, бу йилга 5 миллиард куб метр табиий газни иқтисод қилиш имконини беради. Бу газ эса қайта ишланиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрланади.

— Биз илгари асосан пахта билан газ сотардик. Ҳозир четга сотмаямиз, ўзимизда қайта ишляяламиз. Керак бўлса, газ сотиб оламиз. Нимага? Корхоналар кўпайяпти, маҳсулот кўпайяпти, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу мақсадда келгуси йилларда 6 та кимёвий технологик кластер ташкил этиш режалаштирилган. Улардан биринчиси мазкур “Навоийазот”дагиси.

Иккинчи кластер Бухоро вилоятида жойлаштирилади ва у ерда табиий газдан полиэтилентерефталат (ПЭТ), поливинилацетат (ПВА), полипропилен ҳамда бошқа полимерлар ишлаб чиқарилади. Улар асосида тайёр маҳсулот ва буюмлар чиқарадиган ўнлаб замонавий корхоналар ташкил топади.

Учинчи кластер Қашқадарё вилоятида Шўртан газ-кимё комплекси ва Деҳқонobod калий заводи негизида бўлади. Унда ювиш ва маиший кимё воситаларининг асосий компонентлари,

бимодал полиэтилен ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

“Фарғонаазот” негизида бўладиган тўртинчи кластерда лок-бўёқлар, мебель учун меламин, тўқимачилик саноати учун сунъий тоғалар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Бешинчи кластер Қорақалпоғистон Республикасида, Устюрт худудида жойлаштирилади. Унда кальцийланган сода, поливинилхлорид, полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқарилади.

Олтинчи кластер Тошкент вилоятида ташкил этилади. Унда моноаммонийфосфат, олтингугуртли карбамид, бошқа фосфорли ва азотли минерал ўғитлар, протеин, ювиш воситалари тайёрланади.

Бу лойиҳалар натижасида 2026 йилга бориб кимёвий товар маҳсулотлари ҳажми жорий йилга нисбатан 3 марта ортади ва 2030 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 7 фоизини ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари бу соҳадаги улкан лойиҳалар учун малакали мутахассислар тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда Тошкентдаги Улғубек шаҳарчасида кимё соҳасида илмий ва таълим кластери ташкил этилади. Бу кластер 4 та олий таълим муассасаси ва кимё бўйича замонавий илмий-тадқиқот марказини қамраб олади.

Давлатимиз раҳбари поливинилхлорид ишлаб чиқариш лойиҳасининг иккинчи босқичи қурилишига тамал тоши қўйди.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятига ташрифи чоғида олис Томди туманига ҳам борди. Навоий кон-металлургия комбинатининг техноген чиқиндиларни қайта ишлаш корхонаси фаолияти билан танишиб, одамлар билан суҳбатлашди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар Навоий кон-металлургия комбинатида 2 та завод бўлган бўлса, ундан кейинги йилларда 4 та гидрометаллургия заводи қурилади. Натижада рудани қайта ишлаш ҳажми 3 мартага, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 мартага ошди. Бу жараёнда, ўз-ўзидан, тоғ массасини қазиб чиқариш ҳам кўпаяди ва катта ҳажмда чиқиндилар ҳосил бўлади.

Янги корхона ушбу техноген чиқиндилардан олтин ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шу боис, у 7-гидрометаллургия заводи деб ҳам аталади.

САЙЛОВ — 2021

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ВА ОАВ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

Жорий йил 27 август куни Марказий сайлов комиссияси ҳамда “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”, “Халқ сўзи” ва “Народное слово”, “Хуррият” газеталари, “Human.uz”, “Qalampir.uz”, “Bugun.uz”, “Nova24.uz” интернет нашрлари, “Bright Uzbekistan” ахборот портали ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ОАВлар билан ҳамкорликни кучайтириш ҳамда тайёрларлик ишларининг олиб борилиши ва ўтказилишини ёритиш бўйича икки томонлама меморандумлар имзоланди.



Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йил 14 апрель куни қабул қилинган ва ижроси изчиллик билан таъминланаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тайёргарлик қўриш бўйича асосий тадбирлар дастурида сайлов жараёнларининг барча босқичларини оммавий ахборот воситаларида тизимли ёритиб боришга доир муҳим вазифалар белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, меморандумларда Сайлов кодекси ва сайлов жараёнини тартибга соладиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини сайловчилар ўртасида кенг тушунтириш ишларини самарали ташкил қилиш, шунингдек, сайлов жараёнининг очиқлиги, ошқоралиги ва транспарентлигини таъминлаш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сиёсий партиялар ва номзодларнинг сайловолди дастурлари ҳақида жамоатчиликни тезкорлик билан хабардор қилишга ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Имзоланган меморандумларни амалга ошириш доирасида барча даражадаги сайлов комиссиялари фаолиятини изчил ёритиб бориш, сиёсий партиялар ва номзодлар

Навоий кон-металлургия комбинатини 2026 йилгача ривожлантириш дастурига мувофиқ, умумий қиймати 3,4 миллиард долларлик 27 лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Мазкур завод ушбу лойиҳалардан биридир.

Умумий қиймати қарийб 200 миллион доллар бўлган ушбу корхона йилга 15 миллион тонна техноген чиқиндиларни қайта ишлаб, 7 тоннадан ортиқ олтин ишлаб чиқариш қувватига эга. Эътиборлиси, бунда фойдаланиладиган чиқиндилар 2040 йилгача етади.

Завод қурилишида енгил конструкциялар ва энергиятежамкор технологиялардан фойдаланилган. Илгари четдан олиб келинадиган кўплаб асбоб-ускуна ва бутловчи материаллар маҳаллийлаштирилган. Хусусан, улар Навоий машинасозлик заводи ва кон бошқармаларидаги цехларда тайёрланмоқда. Кимёвий ишлов бериш жараёнида ҳам маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланилмоқда.

Булар таннархни янада арзонлаштиришда муҳим омил бўлаётир.

Корхонада 1 минг 100 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланди. Бу ерга Навоий давлат кончили институтини тугатган ёш мутахассислар ва маҳаллий аҳоли қабул қилинди.

Президентимиз корхона жамоаси, томонлиқ фаоллар, ёшлар билан суҳбатлашди.

— Сўнгги 4 йилда мамлакатимизда ер ости бойлиқларини ўзлаштириш ишлари 30 фоизга ошди. Саноатимизга янги, илгор технологиялар кириб келди. Энг муҳими, бу замонавий корхоналарда ишлаш оладиган билимли мутахассислар етишиб чиқаяпти. Давлатимиз учун ер ости бойлиқларидан ҳам қадрли бойлик бу — сизларсиз, — деди Шавкат Мирзиёев ёшларга қарата.

Шу ерда Навоий кон-металлургия комбинатида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдироти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари журналистлар билан ҳам мулоқотда бўлиб, бугун ишга туширилган корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги, саноат соҳасидаги режалар ҳақида сўзлаб берди.

Шунинг билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи якунланди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Абдували БҲРИЕВ,
Ўза мухбирлари

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Бошланиши 1-бетда

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пўшаймон бўлган ва тузаллиш йўлига қатъий ўтган **215 нафар** шахслар афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **3 нафари** асосий жазодан озод этилди, **127 нафари** жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод

қилинди, **12 нафари**нинг озодлиқдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **73 нафар** шахсларга тайинланган озодлиқдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартрилди.

Афв этилганларнинг **14 нафари**ни аёллар, **12 нафари**ни 60 ёшдан ошган эркак, **69 нафари**ни чет давлат фуқаролари, **15 нафари**ни тақиқланган ташкилотлар иштирокчилари ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдала меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қумак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

ТОКИОДАН ХУШХАБАР

БАРЧАГА РУҲ БАҒИШЛАГАН ҒАЛАБАЛАР

Мен доимо бир фикрни такрорлашдан чарчамайман. Биз ўзимизнинг ҳалол меҳнатимиз, ақл-заковатимиз, қатъият ва иродаимиз билан дунё аҳли бизни тан олиши, эътироф этишига эришишимиз керак. Янги Ўзбекистонни янги ғалабалар билан бутун дунёга танитаётган спортчиларимизнинг бекиёс ютуқлари мана шу йўлда яна бир муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Кеча Япония заминида Ватанимиз байроғи яна бир бор мағрур хилпиради. Токио-2020 ёзги Паралимпия ўйинларида пара дзюдо бўйича эркаклар ўртасида -66 килограмм вазн тоифасида ҳамюртимиз Учқун Қуронбоев олтин медални қўлга киритди.

Маҳоратли спортчимиз олтин медаль учун испаниялик Серхио Ибанез билан курашди. Мурасасиз кечган беллашувда ҳамюртимиз қўшимча вақтда ғалаба қозонди. У финалгача бўлган беллашувларда Япония ва Украина вакилларини мағлубиятга учратган эди.

Учқун 1996 йили Хоразм вилояти Богот туманида туғилган. Болалигидан спортга ошно бўлиб ўсди. Имконияти чекланган бўлишига қарамай, катта спортга интилди. Натижаларни эса бугун барчамиз кўриб турибмиз.

— Аввало, фахр билан таъкидламоқчиманки, биз, паралимпиячиларнинг шиори: “Бизнинг Президентимиз — бизнинг мотивациямиз”. Ана шу мотивация бугунги ютуқларимизга замин яратди. Биз каби спортчиларга юксак эътибор қаратаётгани учун давлатимиз раҳбарига алоҳида миннатдорлик билдираман. Олтин медалими



эса Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлайман.

Бахтли тасодиғни қарангки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Навоийазот” АЖдаги янги лойиҳа-

лар очилиш маросимиде Япония ҳақида гапирётганида бу хушхабарни эшитди ва ўз нутқини тўхтаиб бундай деди:

— Ҳозиргина менга хушхабар

Улғубек АСРОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Янги Ўзбекистон — бу, аввало, янгича иқтисодий муносабатлар, янгича иқтисодий дунёқараш демакдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Бир неча кундан кейин мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигини кенг нишонлаймиз. Энг улғу, энг азиз байрамимиз яқинлашгани сайин беихтиёр истиқлолнинг илк йилларидан то ҳозирги кунга қадар эришилган ютуқлар, янгиланишлар, халқимиз дунёқарашидаги ўзгаришлар ҳаёлимиздан ўтади. Президентимиз “Янги Ўзбекистон” газетаси бос муҳаррири билан суҳбатда: “Бугунги кунда Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда. Айнан мана шу жараён мен учун ислохотларимизнинг энг катта натижасидир. Чунки, мақсаднинг аниқлиги — ҳаракатлар самарасини таъминлайдиган энг муҳим мезондир”, — дея алоҳида эътироф этди.

— Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган эзгу ғоя, ташаббуслар кўп. Улар орасида Президентимиз томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак!” тамойилининг ўрни жуда катта. Назаримизда, тизимга трансформация қилинаётган “Солиқчи — кўмакчи” тамойили ҳам ана шундай мақсаднинг узвий қисми ҳисобланади.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ СОЛИҚ ТИЗИМИ, ЯНГИ НАТИЖАЛАР, ЯНГИ РЕЖАЛАР

Шу нуқтаи назардан қараганда, солиқ юкини камайтириш, унинг маъмурчилигини соддалаштириш ва солиқ идораларининг назорат функцияларини тақомиллаштириш тизим фаолиятининг асосий мезонлари ҳисобланади. Мазкур мақсадларга эришишда қандай амалий саъй-ҳаракатлар қўл келяпти ва улар қандай самаралар берапти?

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Шерзод КУДБИЕВ билан суҳбатимиз ана шундай савол билан бошланди.

— Ҳақиқатан, мустақиллигимизнинг ўтган йиллари мобайнида халқимиз миллий ўзлигини аниқлаб, иқтисодий, маданий тараққиётнинг янги босқичига кўтарилди. Бу даврда миллий давлатчилигимизнинг замонавий ҳуқуқий пойдевори яратилди ва шу асосда барча соҳаларда ўзига хос миллий тизимлар шаклланди. Бугунги кунда эса янги Ўзбекистон тарихи янгича мазмун-моҳият билан бойиб борапти. Истиқбол сари қўйилаётган дадил қадамлар, таркибий янгиланишлар, жамият ҳаётидаги tub ўзгаришлар унинг зарваракларига “олтин саҳифа” бўлиб муҳрланмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётини янги, юксак босқичга кўтариш, бунинг учун янги ислохотларни амалга ошириш ҳаётий зарурат. Бу жараёнда иқтисодий закирнинг муҳим ҳалқаларидан бири бўлган солиқ тизими барчага тенг ва эркин рақобат шароитини яратишда қамарбаста бўлиши керак. Президентимиз ташаббуси билан 2018 йилда янги солиқ концепциясининг қабул қилиниши ана шу мақсадларга эришишнинг стратегиясини белгилаб берди.

Тизимда янги ислохотларни бошлаб берган мазкур концепциядан олдинги ҳолатга назар ташласак, **97 фоиз** солиқ тўловчилар соддалаштирилган режимида фаолият юритиб, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига уларнинг улуши қарийб **60 фоизга** етгани ҳолда, бюджет тушумлариданги ҳиссаси бор-йўғи **9,2 фоизга** тенг бўлган. Умумбелгиланган солиқ тўловчилар зиммасига тушган асосий солиқ юки атиги **3 фоиз**ни ташкил этган.

Яқингача пенсия, мактаб таълими ва йўл жамғармаларига солиқ тўлаш, сугурта бадалли, мол-мулк, ҚҚС ставкаларининг юқорилиги тадбиркорлик субъектлари зиммасидаги катта юк эди. Шунинг учун уларнинг ўзлари **истамаган ҳолда, солиқдан қочиш схемасини танлашга ёки соддалаштирилган режимда қолиш учун корхона ишчилари сони, уларга тўлғадиган иш ҳақини сунъий яширишга ҳамда “конверт” орқали тўлашга мажбур бўларди.**

Бугун эса, бизнесда тамомила бошқача муҳит. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан адолатли, шаффоф ва узоққа йўлжадиган тизимни яратишга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида бутунлай янги солиқ маъмурчилиги юзага келди. Биринчи навбатда, солиқлар тури **16 тадан 9 тага**, назорат шакллари **13 тадан 2 тага** қисқартирилди.

Президентимиз жорий йил 20 август куни тадбиркорлар билан ўтказган тарихий мулоқотида солиқ соҳасидаги кўпчилигининг эсидан кўтарилган ҳолатларни ёдга солгани бежиз эмас. Чунки, яқингача тадбиркорларга оғир юк бўлиб келган пенсия, мактаб ва йўл жамғармаларига 3,2 фоизли йиғимлар бекор қилинди. Бюджетдан ташқари жамғармаларга мазкур йиғимларни бекор қилиш ҳисобига ҳар йили қарийб 6 триллион сўм маблағ қоладиган бўлди.

Мол-мулк, даромад ва ижтимоий солиқлар ставкалари 2 баробар камайтирилди. Қўшимча қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга туширилди, пандемиядан кўпроқ зарар кўрган тармоқларга ижтимоий солиқ 12 фоиздан 1 фоизга пасайтирилиб, мол-мулк ва



ер солиқлари тўловларидан буткул воз кечилди. Бу эса, тадбиркорларга ихтиёрида қолган 2 триллион сўм маблагни бизнес фаолиятига сарфлаш имконини яратди.

— Одамлар кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларни, жумладан, солиқ юкидаги енгилликларни сезар экан, авваламбор, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ишончи ва рағбати ортади. Илғор замонавий ахборот-коммуникация, интернет ҳамда рақамли технологияларнинг жорий этилиши юксалишининг энг қисқа йўлидан боришни таъминлайди. Кейинги пайтда тизимда бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

— Қисқа вақтда соҳани рақамлаштириш, жумладан, Маълумотларни қайта ишлаш марказини босқичма-босқич модернизация қилиш, ўз навбатида, солиқ тўловчиларга рўйхатдан ўтиш, солиқ режимини танлаш, бюджет билан муносабатларини онлайн қузатиш, ҳисоботларни шакллантириш ва топшириш, шахсий кабинети орқали дунёнинг исталган бурчагидан солиқ мажбуриятларини электрон тарзда бажариш имкониятини берди.

Умумий ҳисобда солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали — my.soliq.uz да 50 га яқин шу каби масофавий хизматлар йўлга қўйилди. Буларсиз бугунги солиқ маъмуриятчилигини ва умуман, бугунги тизим фаолиятини тасаввур этиб бўлмайди.

Шу билан бирга, янги воситалар — электрон ҳисобварақ-фактура, электрон шартнома, онлайн назорат касса техникалари, рақамли маркировка, махсулотларнинг ягона электрон миллий каталоги жорий этилди. Ҳар қандай солиқ назорати тадбирлари олдиндан огоҳлантириш ва инсон омилсиз “Таҳлика-таҳлил” дастури орқали 76 та мезонни қамраб олган сегментлаш асосида амалга оширилмоқда.

Жорий этилаётган рақамлаштириш жараёнида, жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини қўйиштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мавофиқ, 2019 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари босқичма-босқич онлайн ва виртуал кассалардан фойдаланишга ўтказилляпти. Бугунги кунда 149,3 мингта ҳужжалик юритувчи субъект 182,8 мингдан ортққ онлайн ва виртуал кассалар билан таъминланди.

Мазкур қўрилмаларни сотиб олишда тадбиркорлик субъектлари харажатларини камайтириш мақсадида биринчи босқичда (2021 йил 1 январга қадар) ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган фойда ёки ягона солиқ тўлови ёҳуд қатъий белгиланган солиқ суммасини

онлайн-НКМни ўрнатиш учун тегишли харажатлар суммасига камайтириш тарзидаги имтиёз тақдим этилди. Натижада тадбиркорлик субъектлари 22,7 миллиард сўм миқдоридан бюджетга тўлаши керак бўлган солиқлар ҳисобидан харажатларини қоплади.

— Табiiйик, кўрилган чора-тадбирлар, сарфланган харажатлар солиқ тўловчилар ва соҳа фаолиятига қандай самаралар келтирди, деган савол туғилади.

— Рақамли иқтисодиётнинг жорий этилиши одамлар ҳаётида, хуфиёна иқтисодиёт ва коррупциянинг камайгани, давлат хизматларини кўрсатиш тезлашганида яққол намоён бўлади. Бу вазифалар ижроси ҳар бир тармоқ ёки соҳа идоралари томонидан таъминланади.

Маълумотларга қараганда, 2016 йилда ялпи ички маҳсулотда яширин иқтисодиётнинг улуши 59 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб **11 фоиз пунктга пасайтирилди** ёки 48 фоизга туширилди. Бу, ўз навбатида,



солиқ тушумларининг ошишига ижобий таъсир кўрсатиб, 2016 йилга нисбатан 2020 йилда тушумлар **3,3 баробар** ўсди (2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида пандемиядан олдинги 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 марта ортди).

Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган ўзини ўзи иш билан банд қилиш институти орқали қарийб 1 миллионга яширин сектордаги одамлар фаолиятини легаллаштиришга эришилди.

Сўнгги йилларда солиқ тизимида учта бўғин — Давлат солиқ қўмитаси, Давлат солиқ бошқармаси ва Давлат солиқ инспекциялари вазифаларининг чегараси аниқ белгиланб олинди. Ававаллари қўмита ва бошқармалар умумий назорат олиб бориш ва солиқларни йиғиш билан шуғулланмас эди. Бунинг учун давлат солиқ инспекциялари масъул эди.

Эндиликда инспекциялар зиммасида умумий миқдори **16,6 фоизга тенг бўлган** маҳаллий солиқларни йиғиш (ер, мол-мулк, сув, даромад ва айланмадан солиқлар) вазифаси қолди, холос.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Йирик солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш инспекцияси ташкил этилди ва **2020 йил июнь ойидан** қўшимча қиймат солиғи тўловчиларга хизмат кўрсатиш вазифаси давлат солиқ бошқармаларига ўтказилиб, бюджет тушумларининг мос равишда **66,2 фоизга** ва **17,2 фоизга ёки жами 83,4 фоизга** қўмита ва бошқармалар томонидан амалга ошириб келиняпти. Бу масъулият туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари чиқарилди.

— Ушбу ғояни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан солиқ идораларининг таркибий тузилмаси тубдан қайта ислох қилинди. Соҳа тарихида биринчи маротаба Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш департаменти, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш бўлимлари ташкил этилди. Пировардида олдимизга қўйилган энг муҳим вазифа, яъни фуқароларимизнинг солиқдан қочишига эмас, балки уни ихтиёрий тўлашга ўтишига, тушумларнинг камайишига эмас, аксинча, ўсишига эришиляпти. Биргина рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман, тадбиркорларнинг айланма маблағларини қўйиштириш мақсадида, йил бошидан бугунги кунгача **9 триллион сўм ҚҚС манфий ортққча тўловлари қайтарилди**.

Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишда Президентимизнинг ана бир ўзига хос эзгу ташаббуси — “**Маҳалла-**



бай” ишлаш тизими бизга яқин кўмакчи бўлмоқда. У аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари муаммоларини тезкор ҳал этишининг энг мақбул йўлидир.

Бинобарин, Давлат солиқ хизмати органларида бириктирилган 4-секторларда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг уч **поғонали “маҳаллабай” ишлаш тизими** жорий этилган. Амалга оширилган ишлар натижасида республика миқёсида 4-сектор худудларида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтери” ва “Ёшлар дафтери”га киритилган фуқароларнинг **157 мингдан ортққчи** иш билан таъминланди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 1 956 та МФЙнинг ҳар бири 2 тадан, жами 3 912 та инкубатор ташкил этилди.

— Соҳада тенг ва кенг рақобат шароитини яратиш устувор вазифалар сирасига киришини қайд этган эдингиз. Бу борада ва айниқса, қўшимча қиймат солиғи тўловчилари ҳуқуқларини кафолатлашни тақомиллаштириш масаласида амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад нималигини тушуинтириб ўтсангиз.

— Президентимиз яқинда “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш хусусида сўз юртар экан, “Бизнес аҳли ҳақида факат солиқларни тўлаш ва текширишлар пайтида эслайдиган замоналар ўтиб бўлди. Шу нуқтаи назардан, солиқ қонунчилигини мақбуллаштириш бора-сида биз анча иш қилдик, лекин ҳали

олдимизда янада катта вазифалар турибди ва биз уларни албатта амалга оширамиз”, дея таъкидлади.

Чиндан ҳам, бугун Ўзбекистонда тадбиркорлик учун кенг ва тенг рақобат майдонида эркин фаолият юритиш имконияти, жозибадор инвестиция муҳити вужудга келмоқда. Мамлакатимизнинг инвестициявий муҳитини янада яхшилаш, адолатли рақобат тамойилларини жорий этишни таъминлаш ҳамда солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш амалиётини тартибга солиш мақсадида **45 та қонун** ҳужжатига ўзгартириш ва қўшимчалар киришти, 10 та ўз кучини йўқотган, деб эътироф этилган қонун ҳужжати орқали қатор солиқ ва божхона имтиёзлари амалиётдан чиқарилди. Натижада **84 та турли солиқ имтиёзлари бекор қилинди**. Индивидуал имтиёзлар бериш амалиётидан воз кечилди. Хорижий сармоядорлар улушида ташкил этилган корхоналар сони **4 йилда 2,6 баробарга кўпайди** ва **13,2 мингтага** етди.

Соҳада тенг рақобат шароитини яратиш ва қўшимча қиймат солиғи тўловчилари ҳуқуқларини кафолатлашни тақомиллаштиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бундан кўзланган мақсад турли режимлардаги солиқ тўловчилар учун мавжуд имкониятларни тенглаштириш ҳамда инсофли солиқ тўловчиларга қўшимча қиймат солиғи бўйича ортққча тўловларни қайтариш жараёни учун талаб қилинадиган вақтнинг минималлаштиришидир.

Мазкур тадбирни амалга ошириш доирасида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги қарори билан Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида низоом тасдиқланиб, ҚҚС суммасини тезлаштирилган тартибда факат ишончли солиқ тўловчиларга қайтариш белгилаб қўйилди.

Қўшимча қиймат солиғи салбий фарқ суммасини қайтариш ҳақида гап кетар экан, Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқотида ҳам бу масала кўтарилганини, солиқ тизимини тақомиллаштириш, бизнесга солиқ юкини имкон қадар камайтиришга доир муҳим йўналишлар белгиланганини таъкидлаш жоиз. Учрашувда илгари сурилган ҳар бир ғоя, тақдиф ва ташаббус мажозий маънода айтганда, “сиёҳи қуримасдан” амалга ошиб, ечимини топмоқда. Бунга Президентимиз томонидан мулоқот ўтган қўнариёқ имзоланган “Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини тақомиллаштириш тўғрисида”ги ва “Умумий овқатлаш ва туризм соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларидаги имтиёз ва енгилликларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Хусусан, **2021 йил 31 декабрга қадар** умумий овқатлашнинг корхоналари юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилинади, **2023 йил 1 сентябрга қадар** туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади.

— Мамлакатда яратилган бизнес шароитлари тақомиллашиб боргани сари салоҳиятли кадрларга эҳтиёж ортиб бораверади. Тизимда мазкур муаммони ҳал этиш учун қандай чора-тадбирлар кўриляпти? Жорий этилган комплаенс-назорат тизими қандай масалаларни ҳал этишда яқин кўмакчига айланиши кутляпти?

— Мамлакатимиз иқтисодиётини узоқ муддатли ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётган шароитда тизим учун бугунги кун талабига жавоб берадиган, ёш, янги авлод кадрларини танлаш, тарбиялаш ва малакали этиб тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этади.

ЯНГИ ВОСИТАЛАР — ЭЛЕКТРОН ҲИСОВВАРАҚ-ФАКТУРА, ЭЛЕКТРОН ШАРТНОМА, ОНЛАЙН НАЗОРАТ КАССА ТЕХНИКАЛАРИ, РАҚАМЛИ МАРКИРОВКА, МАХСУЛОТЛАРНИНГ ЯГОНА ЭЛЕКТРОН МИЛЛИЙ КАТАЛОГИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ. ҲАР ҚАНДАЙ СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТАДБИРЛАРИ ОЛДИНДАН ОГОҲЛАНТИРИШ ВА ИНСОН ОМИЛИСИЗ “ТАҲЛИКА-ТАҲЛИЛ” ДАСТУРИ ОРҚАЛИ 76 ТА МЕЗОННИ ҚАМРАБ ОЛГАН СЕГМЕНТЛАШ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Шу мақсадда, Президентимиз ташаббуси билан Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида **Фискал институт ташкил этилди** ва жорий йилдан илк бор қабул жараёнлари олиб борилмоқда. Унинг ўқув дастурлари нуфузли олий таълим институтлари ва халқаро миқёсда қўлланиладиган тамойилларга мувофиқ ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда тизимдаги ўрта-махсус маълумотга эга бўлган 2516 нафар ходим олий маълумотга эга бўлиш истагида Фискал институтга ҳужжат топширди. Шунингдек, тизимда ишловчи ходимларнинг малака ва касбий билимининг ошириш мақсадида 2021 йилнинг ўзидан даврида 3 та йўналишда ўқув курслари ташкил қилинди ва жами 2 984 нафар ходим ўқитилди.

Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида коррупцияга қарши курашишнинг қатъий позицияси мавжуд. Бу борада комплаенс-назорат тизими жорий этилган. Соҳада коррупцияга қарши курашиш механизми ва фаолият шаффофлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг тизимли равишда йўлга қўйилгани “CERT International” ихтисослашган халқаро ташкилоти аудиторлари ҳулосасида ҳам қайд этилди. Шу йил 23 август куни ушбу ташкилотнинг Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратида ISO37001:2016 халқаро стандарти бўйича сертификати топширилди.

Ҳали олдинда ўзаро муносабатларда инсон омилни кескин камайтириб, соҳага рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш, иқтисодиётда хуфиёна айланмалар даражасини қисқартириш, умумбелгиланган декларация тизимидаги ўтиш, халқаро андозалардаги хизмат кўрсатиш стандартларини жорий этиш, ҳалоп тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, ер ва қўмас мулкларни электрон рўйхатда олиш ва баҳолаш каби қатор стратегик вазифалар ижросини таъминлаш маъсулятини турлибди ва биз уларни ҳал этишга қатъий бел боғлаб киришганимиз.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимизни, ҳимматли тадбиркорларимизни Мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрами билан чин қалбимдан табриқлайман. Солиқ идоралари ходимлари ўз зиммаларидаги бурч ва ишончини, албатта, амалий ишлари билан оқлайди, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий раванқи йўлида ҳормай-толмай хизмат қилаверади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Абдурауф ҚОРЖОВОВ
суҳбатлашди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

“**ҲОЗИРГИ КУНДА
“РАҚАМЛИ
ЎЗБЕКИСТОН — 2030”
ДАСТУРИ ДОИРАСИДА
ҚЎЙЛГАН
ВАЗИФАЛАРНИ
БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ
ИЗЧИЛ АМАЛГА
ОШИРИШ
КЕЛАЖАҚДА
ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЖАҲОН БОЗОРИДА
МАВҚЕИ ЎСИШИГА ВА
АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ
ОШИШИГА ХИЗМАТ
ҚИЛАДИ. БУНИНГ
УЧУН БИЗДА
ЕТАРЛИ САЛОҲИЯТ
ВА ИМКОНияТЛАР
МАВЖУД.**”

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: ривожланиш жараёнлари ва истиқбол имкониятлари



Наима ҲОШИМОВА,
Тошкент давлат
транспорт университети
профессори, иқтисодиёт
фанлари доктори

Сўнгги йилларда дунё мамлакатлари иқтисодиётида рақамли технологияларга асосланиш тенденцияси тобора кучайиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам иқтисодиётни ривожлантиришда рақамли технологияларнинг аҳамияти ниҳоятда ортди. Бу технологиялар аҳоли ва бизнеснинг давлат хизматларидан фойдаланишини соддалаштириш, ахборот алмашинуви жараёнларини тезлаштириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва рақамли маҳсулотлар яратиш учун қатор афзалликларга йўл очади.

жорий этилди. “Mening fikrim” веб-порталнинг мобиль иловаси, “Рақамли маркировка ва он-лайн касса” лойиҳаси ишга туширилди ҳамда товарларни ҳисобга олишнинг “е-омбор” электрон тизими ишлаб чиқилди.

Шундай янгиланишлар транспорт соҳасида ҳам рўй бермоқда. Хусусан, Транспорт вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда “UzTrans” ягона интерактив ахборот тизимида ташувчилар фаолиятини мониторинг ва назорат қилишнинг замонавий усуллари, юк ташиниш амалга оширишнинг бошланиши тўғрисида баҳардор қилиш ва юкларни халқаро ташиниш амалга оширувчи транспорт воститаларини онлайн рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этди. “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси зарур маълумотларни ягона тизим орқали йиғиш мақсадида манфаатдор идораларнинг маълумотлар базалари билан интеграция қилиниши, унинг тўлиқ ишлашини таъминлаш учун маълумотларни

тижалари мамлакатнинг ахборот технологиялари бўйича халқаро рейтингларда тутган ўрни ва индекс билан белгиланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ушбу рейтингларда йилдан-йилга сезиларли муваффақиятларга эришмоқда.

“Рақамли Ўзбекистон — 2030” давлат дастури доирасида ҳудудлар ва мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг рақамли трансформацияси бўйича 280 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

“Рақамли Ўзбекистон — 2030” давлат дастури мақсадли кўрсаткичлари

Рақамли трансформация барча соҳаларни қамраб олган ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам таркибий ўзгаришларга олиб келади. Диверсификациялаш ва ишлаб чиқариш тармоқлари солоҳиятини ривожлантириш орқали стартап-фаоллик ва янги тармоқлар шаклланишига замин яратади.



Юртимизда келгуси 5 йил ичида дастурий маҳсулотлар экспортини 10 баробар, ахборот технологиялари секторининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улушини камида 4 фоиз ошириш режалаштирилган.

рақамлаштириш чоралари қўрилди.

Президентимизнинг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди транспорт соҳасида локомотивларни бошқариш жараёнида уларнинг ҳаракатини кузатиб бориш ва хавфли вазиятларда машинистларни огохлантиришда, жамоат транспорти ҳаракатини таҳлил қилиш ва уларнинг оптимал йўналишларини аниқлашда, автомобил ҳаракатини ва транспортдаги тирбандликларни мониторинг қилишда сунъий интеллект технологияларини қўллаш вазифаси белгилаб берилди. Айтиш кунда унинг ижросини таъминлаш борасида ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унинг асосий мақсади барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган рақамли экотизимни жадал ривожлантириш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини, аҳолининг ҳаёт фаровонлиги ва сифатини оширишга қаратилган.

Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиётига ўтишда эришган на-

лик керак. Масалан, рақамли хизматларнинг кенгайиши ушбу соҳанинг назорати пасайишига олиб келиши мумкин, яъни ахборот оқимларининг чиқиб кетиш хавфини кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча инвестициялар жалб этишни талаб қилади.

Яқин келажақда Ўзбекистон иқтисодиётининг рақамли трансформацияси трендларига қуйидагилар қиради:

❖ турли соҳаларда рақамли платформалар яратилиши ва ривожланиши (масалан, транспорт, логистика ва молия соҳасидаги хизматлар) бизнес ривожини учун янги имкониятлар яратади;

❖ истеъмолчилар тажрибасининг трансформацияси, маълумотлар асосида бошқариш моделига ўтиш (катта маълумотлар билан ишлаш, таҳлил қилиш, жараёнларнинг роботлаштирилиши ва сунъий интеллект технологиялари) рақамли технологияларини татбиқ этишни жадаллаштириш босқичига ўтишда кейинги қадам бўлади;

❖ компанияларнинг рақамли инфратузилманинг янги авлоди (яъни очик, мослашувчан, булутли ечимлар асосида, маълумотлар интеграциясига асосланган) ўтишини тезлаштиради;

❖ компанияларнинг кадрлар сиёсатидаги ўзгаришлар: янги иш ўринларига рақамли компетенцияларга эга ходимларга бўлган талаб ошиши ва аънаъвий иш ўринларининг автоматлаштирилиши ва қисқариши. Ишнинг янги шакллари ва компетенциялар моделларига мослашиш;

❖ давлат дастури асосида иқтисодиёт тармоқларининг рақамли трансформацияси бўйича лойиҳаларни молиялаштириш имкониятларининг кенгайтирилиши.

Рақамли иқтисодиётнинг яна бир асосий вазифаси илмий тадқиқот жамоалари, йирик миллий компаниялар, стартаплар ва молиявий институтларнинг узвий боғлиқлигини таъминлашдир.

Рақамли технологияларни қўллаш давлат хизматлари самарадорлиги ошиши, ишбилармонлик ва инвестицион муҳит яхшиланишида муҳим аҳамият касб этиб бораверади. Иқтисодиётни рақамлаштириш бизнес хизматлар экотизими ривожланишига (логистик хизматлар, мобил банкнинг), бизнес юришти шариоитининг шаффофлигини таъминлашга (тендер ва харидларнинг электрон майдонлари, акс алоқа порталлари) имкон яратади.

Айни кездә рақамли технологиялар аҳолининг ижтимоий ва молиявий иштироки ошишига, тиббиёт, таълим, давлат хизматлари, маданият каби соҳалар хизматидан фойдаланиш сифати ва қўлайлиги ошишига асос бўлади.

Юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда IT соҳани тизимли тартибга солиш, ривожланган инфратузилма, рақамли платформалар ва компетенция марказларини шакллантириш каби долзарб вазифалар турибди.

Ҳозирги кунда “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастури доирасида қўйилган вазифаларни босқичма-босқич изчил амалга ошириш келажақда Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида мавқеи ўсишига ва аҳоли фаровонлиги ошишига хизмат қилади. Бунинг учун бизда етарли салоҳият ва имкониятлар мавжуд.



yuz_official



yuz.uz_news

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

ШАФФОФ ВА САМАРАЛИ БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИ



Зийевдин БАДРИДИНОВ,
“Ўзбекистон республика
товар-хонашэ биржаси”
акциядорлик жамияти
бошқаруви раиси

Мамлакатимиз ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтти борасида салмоқли ютуқларга эришди. Жумладан, иқтисодиётнинг муҳим ва ажралмас бўғини ҳисобланган биржа механизми ҳам сифат жиҳатидан янада такомиллаштирилиб, ривожланишнинг янги босқичига қўтарилди.

Шу ўринда бир савол туғилади. Ҳўш, иқтисодий тараққий этган мамлакатларда нима сабабдан биржа савдолари кенг қўлланилади?

Қисқача айтганда, биржа шаффоф бозор инфратузилмаси ҳисобланади. У ўз ичига талаб ва тақлиф, соф рақобат, котировкалар каби тушунчаларни қамраб олади. Биржа савдоларини ташкиллаштириш ва унда иштирок этишдан барча томонлар манфаатдор бўлади.

Бу жараёнда, бир томондан, тадбиркорлар ҳеч қандай тўсиқларсиз, эркин иштирок этиб, зарур товар ресурсларини харид қилади. Иккинчи томондан эса, сотувчи корхоналар биржада ўтказиладиган аукционлар ҳисобига қўшимча даромад олишлари мумкин. Учинчидан, биржада тузилган битимларнинг бажарилиши кафолатланади ва бу томонларнинг шартномавий интизомини мустахкамлайди.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда Республика товар-хонашэ биржасининг 13 та ҳудудий филиали, мингдан ортиқ брокерлик идораси, 300 дан зиёд маҳаллий ва 19 та хорижий савдо майдончаси мавжуд. Биржада самарали фаолият юритаётган 3000 нафардан ортиқ трейдер 800 мингдан зиёд мижозга хизмат кўрсатади.

Сўнгги 5 йил мубайнида биржамизнинг барча савдо платформаларида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 4,5 маротаба ошиб, 2020

сезиларли ўсиш кўрсаткичларини намоён қилишда давом этмоқда. Бунга Президентимизнинг 2021 йил 17 мартдаги “Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёналарига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори катта туртки берди.

Унга мувофиқ, очик биржа савдолари орқали сотиладиган товарларнинг рўйхати кенгайтирилди, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, тадбиркорларнинг товар ресурсларидан фойдаланиш имконияти ошди, соғлом рақобат кучайди ва реал бозор шароитларини ҳисобга олган ҳолда товарларга нарх белгиланишнинг замонавий механизми жорий этилди. Шу билан бирга, биржа ўз мижозлари учун янги хизматлар тақдим этиб борапти, бизнес жараёналарига инновацион ечимларни фаол равишда жорий қилапти. Бунинг натижасида 2021 йилнинг 7 ойлик якунларига қўра, 797,3 минг декалитр этил спирти, 12,6 минг тонна поливинилхлорид, 1225 тонна формалин ва 224 килограмм кумуш каби янги маҳсулотлар очик биржа савдолари орқали сотилди.

Умуман олганда, ўтган даврда Республика товар-хонашэ биржасининг барча савдо платформаларида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 46,7 фоиз ўсиб, қарийб 46 триллион сўмни ташкил қилди. Тузилган битимлар ҳажмининг 87 фоизи биржа савдоларига, қолган қисми эса электрон тижорат савдо тизимлари, шу жумладан, қўргазма-ярмарка савдолари, электрон давлат харидлари, авторакам ва мобилрақам онлайн аукционларига тўғри келди.

Ҳўзирги пайтгача бундай майдончалар Беларусь, Россия, Хитой, Қўзоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Украинада очилган эди. Жорий йилда эса, хорижий хамкорлар билан музокаралар натижасида Латвиянинг Рига шаҳрида биржанинг яна бир савдо майдончаси ишга туширилди. Бу маҳаллий тадбиркорларимизга қўхна қитъа бозорларига эркин чиқиш, хорижий компаниялар учун эса ўзбекистонлик ишбилармонлар билан хамкорлик қилишда самарали савдо усулларидан фойдаланиш имконини тақдим этади.

Ана шундай ютуқлар самараси ўлароқ, жорий йилда биржа орқали 58,4 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди. Бу эса 2020 йилнинг 7 ойлик кўрсаткичидан 5,6 фоиз қўпдир.

Илгор IT технологияларнинг биржа савдоларида кенг қўлланилиши мамлакатимизда электрон тижоратнинг B2B (бизнес ва бизнес) ва B2C (бизнес ва фўқаро) моделлари жадал ривожланиши учун муҳим замин яратиб бермоқда. Электрон тижоратнинг B2B моделини акс эттирувчи қўргазма-ярмарка савдолари ҳажми жорий йилда 1,2 триллион сўмга етди. Эътиборли жиҳати, ўт-

электрон давлат харидлари тизими ҳисобланади. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, давлат харидларининг самарадорлиги, биринчи навбатда, унинг шаффофлиги билан белгиланади.

Жорий йилда тадбиркорларнинг давлат харидларида иштирокини кенгайтириш ҳамда бюртмачи ва етказиб берувчиларнинг бу борада иштирокини соддалаштириш мақсадида xarid.uzex.uz янги портали ишга туширилди. Порталда давлат харидларининг барча турлари бирлаштирилди.

Шу йилнинг биринчи ярмида электрон давлат харидлари бўйича тузилган битимларнинг умумий ҳажми ўтган йилдагига нисбатан деярли 2,4 баробар ошиб, 4,7 триллион сўмга тенг бўлди. Бунда бюджет ва корпоратив бюртмачилар маблағларининг тежаллиши икки марта ўсди ва 840,6 миллиард сўмга етди.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”га қўра, жорий йил 1 сентябрдан бошлаб монопол ва давлат иштирокидаги ташкилотлар томонидан биржа савдоларида сотиладиган маҳсулотларни ташкил электрон логистика савдо портали орқали аукцион тартибда амалга оширилади.

Порталга, шунингдек, юклар ҳаракатланишини реал вақт режимида кузатиш, диспетчерлик ва юк ташувчи компаниялар хизматини баҳолаш функциялари ҳам киритилди.

“Йўл харитаси”да биржа савдоларида товар деривативалари, жумладан, фьючерс шартномалари жорий этилиши ҳам белгиланган. Бундан қўзланган асосий мақсад нархлар ўзгарувчанлигидан ҳимояланиш (ҳежерлаш), товар бозорларига талаб ва тақлиф мувозанатини таъминлаш, товарга бозор нархини шакллантириш, иқтисодиётга бўш маблағлар ва хорижий инвесторларни жалб қилишдан иборатдир.

Шу мақсадда жорий йилнинг июнь ойида биржа вакиллари Нью-Йорк, Вашингтон ва Чикаго шаҳарларида бўлиб, АҚШ биржалари, давлат назорат органлари, брокерлик идоралари, софтвер ва IT компаниялар билан хамкорлик алоқаларини ўрнатди. АҚШнинг Товар фьючерс савдолари бўйича комиссияси (CFTC) ва “Connomara systems LLC” компанияси раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди.

АҚШ вакиллари билан Ўзбекистонда фьючерс бозорларини назорат қилиш бўйича маслаҳатлар бериш, соҳа экспертларини жалб қилиш, фьючерс савдоларини Ўзбекистон бозорида амалиётда татбиқ қилишга ҳар томонлама қўмаклашишга келишиб олинди.

“Connomara systems LLC” компанияси билан эса ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Унга мувофиқ, томонлар Ўзбекистон биржаси учун фьючерс савдолари бўйича дастурий таъминотни ишлаб

2022 йилги прогноз кўрсаткичлари



йилда 53,6 триллион сўмни ёки 5,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизига тўғри келади.

Ўсиш ҳўлатлари барча савдо платформаларида кузатилди. Хўсусан, 2016-2020 йилларда биржа савдолари ҳажми 5 баробар, қўргазма-ярмарка савдолари 1,6 ва давлат харидлари 4 баробар ўсди. 2017 йилда ишга туширилган avtoqaam.uzex.uz савдо тизимида сотилган “чиройли” авторакамларнинг умумий қиймати 9 баробар ортиб, ўтган йили 246,6 миллиард сўмга етди.

Жорий йилда ҳам UZEX биржаси

ган йилдан бошлаб мазкур савдо тизимида биржанинг ҳисоб-китоб палатаси орқали тузилган битимларнинг бажарилишини кафолатлаш механизми амал қилмоқда.

Интернет савдоларнинг B2C сегментида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Хўсусан, жорий йилнинг ўтган даврида биржанинг avtoqaam.uzex.uz веб-савдо тизимида онлайн аукционлар орқали 168,7 миллиард сўмлик 83,2 мингдан зиёд авторакам сотилди. Бунинг натижасида уларнинг сотуви сон жиҳатдан 2,4 баробар, ҳажми бўйича 42 фоиз ўсди.

UZEX биржаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири

чиқиш ва замонавий IT технологияларни жорий қилиш йўналишида хамкорлик қилади.

Шу тариқа сўнгги йиллар биржа савдоларини шиддатли ривожлантириш ва эркинлаштириш, электрон тижоратни оммалаштириш ва биржа амалиётига инновацион ечимларни жорий қилишда муҳим давр бўлди. Шу билан бирга, UZEX биржаси очилиқ, шаффофлик, тузилган битимларнинг бажарилишини кафолатлаш, талаб ва тақлиф, соф рақобат каби аънаъвий биржа таъминотлари яна қўлган ҳолда, товар сегментларида замонавий савдо усуллари жорий қилиниши давом эттиради.



МУНОСАБАТ

САМИМИЙ САТРЛАР, ЁРҚИН ФИКРЛАР

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси
бош муҳаррири саволларига берган жавобларининг ана шу
жиҳатлари бизни ўзига мафтун этди.



Мана шу талабни ёдда тутиш ислохотларимизнинг олдинга юришини таъминлайди.

Албатта, ҳар қандай ҳоким, раҳбар инсон сифатида хато қилиши мумкин. Буни тушунса бўлади. Лекин ана шу хатоларни тан олмаса, уларни тузатишни истамаса, ўқиб-ўрганишга, янгича ишлашга, ўз билим ва тажрибасини оширишга интилмаса, манфаатпарастлик ва машаққат берилган бўлса, бу ҳолатни мутлақо кегириб бўлмайди. Ҳар бир раҳбар фаолиятига баҳо берилганда, бу инсон халқнинг орзу-умидларини ўзи учун асосий мақсад қилиб олганми-йўқми, буни ҳисобга олиш керак.

Президентимиз жойлардаги ислохотларнинг бориши билан танишиш, халқнинг нима билан нафас олаётганини билиш мақсадида вилоятларга таширф буюради. Ушбу таширфларда кўзбўйамачилик, одамларни қийнаш, сохта ва баландпарвоз гапларга ўчлик ёмон иллат экани таъкидланади. Бу йўлдан юриш меҳнаткаш, ростгўй, сохталикни умуман қабул қилмайдиган халқимизнинг асл табиатида мутлақо ётир.

Президентимиз одамларни қандай масала ва муаммолар уйлантираётгани, ташвишга солаётганини яқиндан билишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамиятини таъкидлайди. Бу биз, оммавий ахборот воситалари ҳодимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Давлатимиз раҳбари олий таълим тизимидagi ислохотларга алоҳида аҳамият берган. Биз янги Ўзбекистондаги янгича тартиблар қанчалик самарали эканини ўз оилани мисолида хис қилдик. Иккинчи набирам Дилдора Мирзо Улуғбек туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синфини аъло баҳоларга тугатди. У аллақачон Жанубий Кореянинг 2 та олий таълим муассасасига кириб бўлди. Бундан ташқари, ўзимизнинг 5 та институтга тест синовларини топширди. Дилдора қайси ўқув юртида ўқиши сентябрь бошида натижаларга қараб аниқланади.

Агар эскича тартиб ўзгармаганда бор-йўғи биттагина олий ўқув юртига ҳужжат топширар, қиролмас, эссиз, бошқа институтга ҳаракат қилсам бўларди, деб армонда қоларди.

“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати фаоллари Президентимизнинг кейинги беш йилдаги энг муҳим 15 та ташаббусларини рўйхат қилибди. Бизнингча, Давлатимиз раҳбарининг халқ манфаатларини кўзлаб ҳаётга татбиқ этган ташаббуслари жуда кўп. Масалан, оила аъзолари автомашина бошқариши учун ишончнома олишга анча пул тўланар эди. Аваълга мазкур расмиятчилик учун тўлов бекор қилинди. Энди эса оила аъзолари учун умуман ишончноманинг кераги йўқ, дейилди. Пойтахтда илгари бекитиб ташланган кўчаларнинг очилиши халқимизга қандай қўлай бўлганини ҳамма кўриб турибди. Водийдан келадиган машина Паркент бозори орқали юрса, марказга ўтиб бўлмасди. Аваълги Пушқин ҳайкали турган жойдаги йўл бекитиб ташланганди. Бу йўлнинг очилиши нафақат тошкентликларни, балки водийдан келадиган меҳмонларни ҳам хушнуд қилди. Эҳтимол, бу ташаббусларни нисбатан майда деоувчилар топилиши мумкин. Лекин Президент фаолиятида халқ манфаатлари йўлида ҳеч қандай майда-чуйда, деган тушунча йўқ.

Биз янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида халқимизни рози қилишни ўз олдимизга улуғ мақсад қилиб қўйган эканмиз, уни жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳаётида сезиши, ҳис этиши гоят муҳимдир. Айни пайтда давлатимиз раҳбари бош бўлиб ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда ҳар бир фуқаро ўзини дахлдор сезиши, бу йўлда чинакам фидойи бўлиши муҳимдир. Ана шунда бошланган эзгу ташаббусларни ниҳоясига етказиш таъминланади.

Каттагина жой (газетанинг 5 сифаси)ни эгаллаган интервьюни ажиб бир ташналик билан ўқиб чиқдим. Ўқиб чиқдим-у, яна бошидан тушиб ҳар бир сатри, ҳар бир хат-бошининг маъно-маъзини чақишга интилдим. Ким бугунги Ўзбекистон ривожланишининг қайси босқичда эканини билмоқчи бўлса, эртанги истиқболи ҳақида қизикса, ушбу интервьюни ўқисин.

“Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида олдимизда турган энг устувор вазифалар нима-

шундай қўлайлиқлар яратилганини баъзилар эсламай қўйган. Аслида шукрона қилиб, бунинг қадрига етишса, инсофдан бўлар эди. Президентимиз интервьюда халқимизга, келажакка нисбатан хиёнат ҳақида гапирган. Бу нима дейсизми? Ҳаммаси жойида, деган кайфият билан муаммоларни билиб- билмаганга, қўриб-қўрмаганга олиб, ғафлат уйқусига ботиб юравериш ҳам мумкин эди. Лекин Президентнинг табияти бундай сохта ҳаётни мутлақо қабул қила

Интервьюни ўқиш асносида кўнглимизда “Хўш, бугунги ҳаётимизда нима ўзгарди?” деган савол туғилди. Саволга жавоб бундай: таклиф ва ташаббуслар илгаригидек фақат “тепа”дан эмас, балки кўпроқ қуйидан бўлмоқда. Уларни амалга оширишда эса қуйи, ўрта ва юқори бўғиндаги давлат бошқарув идораларининг самарали ҳамкорлиги иш бермоқда. Шу асосда жамиятимизнинг ижтимоий манзараси бутунлай ўзгармоқда, бошқарувнинг натижадорлиги ошмоқда, энг муҳими, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга, ўзининг тақдир ва эртанги кунга ишончи ортмоқда.

лардан иборат?” деган саволга жавобни Президентимиз “Ўтган йил декабрь ойида Олий Мажлисга йўланган Мурожаатномада бу ҳақида атрофлича тўхталиб ўтган эдим. Шу боис, саволингизга қисқача жавоб бермоқчиман”, дея бўлшайди. Жуда тўғри, негаки, расмий минбардан туриб айтилган Мурожаатномада, хоҳлајимизми-йўқми, барибир расмийлик устувор бўлади. Мазкур интервьюда эса ҳар қандай расмийликдан холи, ҳар бир ватандошнинг билан самимий, дўстона ва мароқли суҳбатга киришилган. Шунинг учун “Янги Ўзбекистон” газетасининг ўша кунги сони кўлма-қўл бўлиб кетди.

Президентимиз сўзининг аввалида Ўзбекистоннинг ҳозирги ўрни ҳақида жуда асосли гапларни айтди. Дарҳақиқат, Ватанимиз суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрни эгаллади. Ўзбекистонда замонавий давлатчилик асослари яратилиб, конституциявий тузумга асос солинди. Шу боис, мамлакатимиз тараққиётини янги, юксак босқичга кўтариш, бунинг учун янги ислохотларни амалга ошириш объектив зарурат, энг муҳим стратегик вазифага айланди. Албатта, қийинчиликлар ортда қолди, ҳаётнинг ўзи бизни кўп нарсасга ўргатмоқда. Шу сабабли биз доимий изланишдамиз. Изланиш бор жойда ютуқлар билан бирга камчилик ва нуқсонлар бўлиши табиийдир.

Интервьюда барча ислохотларимизнинг бош мақсади кўрсатиб берилган. Улар халқимизнинг оғирини енгил қилиш, унинг муаммоларини вақтида ва самарали ечиш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашда иборат. Жамиятимизнинг ютуғи шундаки, бутун халқ томонидан қўллаб-қувватланган демократик ислохотлар ортага қайтмайдиган тус олди. Президент интервьюсида ҳар бир ҳолатга танқидий баҳо берилган, аҳолини яхшилаш учун тўғри ва адолатли йўллар кўрсатилган.

Эски тadbирлардан мутлақо воз кечиш бўйича гоят муҳим қарор қабул қилингани айтилган. Шу ўринда бир мисол келтирсам. Бундан 7-8 йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, бастакор Бахрилла Лутфуллаев тўй қилди. Тўйга олис Форининг Гараша қишлоғидан қариндошлар ҳам таклиф этилган. Меҳмонлар айтилган кундан бир кун олдин келди. Улар тўй соҳибидан қизик бир илтимос қилди. “Баҳриллахон, эртанги тўйга бугун бозор қилсангиз керак. Шу харажати бизнинг пластик қарточкаси орқали қилсангиз, нақд пулни бегона қилмасдан бизга берсангиз”. Бахрилла ака “Бўпти, шундан сизлар хурсанд бўлсангиз, айтганларингизни қиламиз”, деди. Хурсанд бўлиш ҳам гапми, меҳмонлар худди лотереядан ютуқ чиққандек қувонди. Энди айтинг, ҳозирги шароитда нақд пул муаммоси борми? Афсуски,



иштирок этганини фахрланиб айтишимиз керак. Зеро, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун ўзининг халқчиллиги ва жамиятдаги барча масалаларга энг ҳаққоний ва адолатли жавоб бериши билан аҳамиятлilдир.

Биргина мисол, шу кунга қадар диний ташкилотларни очиш масаласида ҳам жуда катта муаммолар бор эди. Битта ташкилотни очиш туғул, ўша ташкилотни таъмирлаш, гишти тушиб кетса, қайтадан қўйиш учун ҳам рухсат олиш натижаси мавҳум қатъий талаб эди. Айтиш керак, сўнгги йилларда юртимизнинг олис-яқин ҳудудларида 60 га яқин янги масжид қурилди. 540 дан зиёд масжид бутунлай замонавий услубда қайтадан таъмирланди. 100 дан зиёд масжидда капитал ва жорий таъмирлаш жараёни кетмоқда. Шу ўринда бошқа диний конфессия вакилларига бўлган эътибор ҳам ортиб бормоқда. Охириги уч йилни оладиган бўлсак, бошқа динларга мансуб бўлган 21 та диний ташкилот очилди ва улар фаолият юритаётган ишонотлар таъмирланди. Яъни диний бағрикенглик таомойили жамият ҳаётида тўлақонли ўз ифодасини топди.

Яна бир муҳим масала: яқин кунларда Ҳаж ва Умра зиёрати қайта тикланади. Албатта, пандемия туфайли ушбу муқаддас диний амалларни бажариш имконияти чекланиб қолди. Бироқ ўз ўрнида эътироф этиш лозимки, Ҳаж зиёрати учун илгари 3,5 мингта квота ажратилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 5 мингтага қўтарилди. Сўнгги 2 йил олдин мазкур рақамлар 7200 тага етди. Шунингдек, охириги йилларда 10 минг нафар мусулмон Умра зиёратини бажариш имкониятига эга бўлган эди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида саккизта вилоятда Умра амалини бажариш учун талабгорларнинг навбатда туришига эҳтиёж қолмади: бутун ариза берса, эртага учиб кетиши мумкин бўлди. Буни яқин ўн йилларда ҳам ҳатто тасаввур қилиш жуда қийин эди. Шу тариқа, диний эҳтиёжлар нафақат қоғозда, балки амалиётда тўлақонли таъминланмоқда. Буларнинг барчаси юртимиз мўймин-мусулмонлари томонидан алоҳида қувонч ва шукроналик билан қабул қилинаётди.

Диний адабиётларни чоп этиш масаласида эришилган ютуқлар ва имкониятлар ҳам таҳсинга лойиқ. Сўнгги беш йилда шу қадар кўп диний адабиётларга рухсат берилдики, бошқа хорижий манбаларни излаш, қидиришга ҳожат қолмади. Белгиланган тартибда чоп этилишга рухсат берилган адабиётларнинг 60-70 фоизи муътабар манбаларнинг аслиятдан таржимаси ҳисобланади. Қолганлар эса бевосита янги диний адабиётлар бўлиб, бугунги кунда халқимизни қизиқтиратган йўналишлар ва эҳтиёжлардан келиб чиқгани билан аҳамиятли. Айтиш мумкинки, бу борада ҳам том маънода Учинчи Ренессансга пойдевор қўйилди.

Албатта, бугун замон билан ҳамнафас бўлиш баробарида диний-маърифий сайтлар ташкил этилишига ҳам аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон мусулмонлари идорасига тегишли 14 та ҳудуддаги 100 дан ортиқ диний-маърифий сайтлар аҳолининг барча диний соҳадаги муаммолари, саволлари, турли эҳтиёжларига тўлақонли жавоб бериб келмоқда. Muslim.uz сайтида онлайн тарзда савол-жавоблар руқни ташкил этилган. Бу руқнга фойдаланувчи хоҳлаган пайтда мурожаат қилиб, ҳар қандай масалалар диний нуктага назардан тезкорлик билан жавоб олиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, диний-маърифат, виждон эркинлиги соҳасидаги ислохотлар Президентимиз интервьюсида мухтасар баён этилган бўлса-да, унинг самараси кўпмиллатли ва табиийки, кўп-конфессияли халқимиз ҳаёти, фаровон турмуши, эркин истиқболи, фарзандлар камолоти ва орзу-истаклари рўёбда ўз ифодасини топмоқда.

БИР ИНСОН ТАҚДИРИ ЎЗГАРИШИ, БАХТИЁР ЯШАШИГА ҲИССА ҚЎШИШ – УЛКАН САОДАТ

Музаффар КОМИЛОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита
раисининг биринчи ўринбосари,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсини катта қизиқиш, зўр ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Сўзларга эътибор қаратдим: энг кўп ишлатилган сўзлар “Ватан”, “халқ”, “Миллий манфаат”, “ободлик”, “Янги Ўзбекистон”, “ёшлар”, “адолат”, “тараққиёт” экани мендаги ҳайрат ва шукроналик ҳиссини чандон оширди.

Интервьюда сўнгги 5 йил давомида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ва уларнинг самараси, эришилган ютуқлар шунчалик самимият билан камтарона тушунтириб берилганки, соғлом фикрли ҳар бир инсон юрагига, қалбига етиб боради. Кўз олдимизда рўй берган, аммо кўпчилигимиз илганмаган, табиий, шундай бўлиши керакдек туюлган ҳар бир янгилик, ҳар бир ташаббус ва ўзгаришлар замирида қанчалик матонат, узоқни кўра қилиш ва мавжуд муаммоларга кўз юммасдан, ечимига жонфидолик кўрсатиб, мамлакат тараққиётида янги, туб бурилишлар амалга оширилгани яққол намоян бўлади.

Буни қуйидаги фикрларда ҳам ҳис қилиш мумкин: “Афсуски, мамлакатимизда тезлик билан ҳал этиш керак бўлган ўткир муаммолар бошқа соҳаларда ҳам йиғилиб қолган эди. Ҳаммаси жойида, деган кайфият билан уларни билиб-билмаганга, қўриб-қўрмаганга олиб, ғафлат уйқусига ботиб юравериш ҳам мумкин эди. Лекин бу ўзимизга, халқимизга, келажакка нисбатан хиёнат бўларди”.

Дарҳақиқат, Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида ишни бошлаган кунларданок мустақилликнинг дастлабки йилларида эришилган ютуқларга махлиё бўлмасдан, мустабид тузум давридан ва бир неча ўн йиллиқлар давомида ўтиб келаятган мавжуд муаммо ҳамда ўзбўларчилик кайфиятида йўл қўйилган хато ва камчиликларни рўй-рост кўтариб, уларни тез фурсатда, адолатли ҳал қилишга киришди. Буни заҳматкаш ва илм-маърифатга ташна халқимизнинг энг оғриқли муаммоси бўлиб келган ўзлигини тиклаш ва келажак авлодлар манфаати учун тўлиқ сақлаш, диний эътиқоди ҳамда сўз эркинлигидек қалтис ва залворли маззурлардаги турли чеклов ва сунъий тўсиқларни бартараф этиш мақсадида бошланган кенг қамровли ислохотларда ҳам яққол кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳар бир соҳада амалга оширилган ислохотлар моҳиятида халқимизнинг маънавий-маърифий, илмий-маданий юксалишига, миллий ўзлигини идрок этишига, қаддини тиклаб, қаддини англашига устувор аҳамият қаратилиб, шу асосда мамлакат ва элнинг иқтисодий, ижтимоий тараққиётини янги босқичга кўтариш мудооси муваффақ бўлди. Бунинг самарасида эса халқимиз ўз тарихида неча бор босиб ўтган ноёб ҳодиса — Ренессанс — уйғониш, қайта тикланиш, юксалиш босқичига эришяётгани ҳам дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган ҳақиқатдир.

Интервьюдаги диний-маърифий соҳадagi ўзгаришлар ҳақидаги фикрлар ҳам эътиборга молик ва халқимиз унинг мазмун-моҳиятида қандай буюк мақсадлар борлигини бугун фахрланиб эътироф этмоқда.

Юртимизда диний-маърифий соҳада сўнгги беш йилда амалга оширилган ўзгаришлар ва эришилган ютуқлар чиндан ҳам аввалги йўқотилган йиллар ўрнини тўлдирди, десак, муволаға бўлмайди. Бу эътироф халқимиз томонидан алоҳида қувонч билан билдирилмоқда. Ҳақиқатан, қалбдаги, имон-эътиқоддаги кемтиклик, таъбир жоиз бўлса, жараҳат ўрнининг битиши учун малҳам, имконият берилди.

Бугун барча шароит ва имкониятларга эга, бахт ичيدا туғилиб, шоду хуррам ҳаёт кечи-раётган ёшларда савол туғилиши мумкин: жараҳат нимдада эди?

Собиқ иттифок даврида халқимизнинг динга эътибори, ибодат эътиқоди шу даражада “бўғилган” эдики, “дин — афюн” ғоясидан келиб чиқиб, намоз ўқиган, ҳатто ўз ота-онасининг таъзиясида иштирок этган одам “жоноятчи” сифатида лавозим вазифасидан бўшатилган ёки маъмурий, ҳатто жинойи ҳазо чоралари қўрилганини кекса авлод унутгани йўқ. Бу — бугунги ёшларимиз ўзларига хулоса чиқариши керак бўлган аччиқ ҳақиқат.

Яна бир жиҳат: Ватанимиз мустақил-лигининг дастлабки йилларида эзгу, ҳур, тараққиқпарвар фикр ва ташаббуслар билан биргаликда айрим ғаразли кучлар таъсирида, афсуски, турли номақбул ғоя ва “оммавий маданият” сингари хатарлар ҳам кириб келди. Ҳали оқ-қорани тўлиқ англамаган айрим ёшлар, минг таассуфки, ана шу алдов ва ёлғон ваъдаларга билиб-билмай эргшиб, кўп ҳолатда азият чекди. Бу борада ҳам Президент Шавкат Мирзиёев юксак бағрикенглик намоян қилди, сиёсий иродаси билан 20 мингдан зиёд элдошимиз “маҳсус қора рўйхатлар”дан чиқарилди. Хатолари кечирилиб, азиз ҳаётини тўғри йўлда давом

эттиришига имкон берилди. Бу одил қарор эса дунёнинг нуфузли давлат ва ташкилотлари томонидан ҳам тан олинди, бағрикенглик сиёсатининг эрқин намунаси сифатида эътироф этилмоқда. Адолатли эътироф. Шундай эмасми?! Аслида, бу ёқимли ҳиссиётни мазлум ҳолида адолат кўрган инсонлар кўпроқ туяди. Жойларга чиққанимизда бу туйғуни ана шундай инсонларнинг кўзларида порлаб турган миннатдорлик нурларида кўрдик.

Айниқса, Президентимизнинг ташаббуси билан 5 маротаба “Меҳр” операцияси доирасида дунёнинг турли нуқталарида бўлаётган уруш ўчоқларидан неча-неча ҳамюртларимиз, аёллар ва болаларнинг юртимизга олиб келиниши, улар учун муносиб турмуш шароити яратиб берилиши — оқибат, меҳр кўрсатилгани яқин ва узоқ тарихда қузатилган инсонларварлик намунаси, десак, хато бўлмайди. Шу ўринда Миср Араб Республикасининг Қоҳира шаҳрида хизмат сафарига бўлганимизда хорижий журналистлар билан суҳбатимиз ёдимга тушди. Улар юртимиздаги “Меҳр” операцияси тафсилотлари билан танишиб, Ўзбекистон лидерининг ташаббуси “Буюк инсонларга хос бағрикенглик намунаси бўлди”, дея таъкидлаган эди.

Янги Ўзбекистон нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотларда барча соҳалар қатори маънавий-маърифий масалаларга оид ташаббусларни ҳам дадил ўртага қўймоқда. Мамлакатимиз томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилиш бўйича илгари сурилган ташаббус халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланди ва ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу хайрли ташаббуснинг эзгу самарасини бутун дунё аҳли ўз тақдирда кўражак!

Интервьюда таъкидланганидек, ислом дини ривожини йўлида беқиёс хизмат қилган буюк муҳаддис боболаримизнинг диний, илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида Самарқандда — Имом Бухорий, Сурхондарёда — Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, Тошкентда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази иш олиб бормоқда. Шунингдек, 3 та йирик олий диний таълим ва 10 та ўрта махсус ислом билим юртилари фаолият юритмоқда.

Дарвоқе, 1971 йилда Тошкент ислом институтини диний мақсадлардан қўра кўпроқ сиёсий қарашлар туфайли ташкил этилган бўлса, бугун мазкур муассаса том маънода ҳақиқий диний-маърифий соҳа мутахассисларини тайёрлайдиган фазилли илм-фан масканига айланди. Унда хорижнинг ҳам таниқ-ли олим ва мутахассислари келиб фаолият кўрсатмоқда.

Самарқанддаги Ҳадис илми олий мактаби энг замонвий, рақамли технологиялар асосида ташкил этилди. Жорий йилги қабул жараёнлари эса шаффоф, талабчанлик билан янги тартиб-тамоийиллар асосида амалга оширилди.

Қувонарлиси, бир вақтлар бутун дунёга ўзини кўрсатган Мир араб олий мадрасаси бугун ўз қаддини яна тикламоқда. Чиндан ҳам бу юртнинг юксак салоҳиятли мутахассислари Яқин Шарқ ҳудудларида ҳам эътибор ва ҳурмат қозongan. Ушбу таълим масканида билим олаётган ёшларимиз ажодларига муносиб бўлиши шубҳасиз. Бинобарин, ҳозирда диний таълим ўқув дастурлари янада тасаввур мазкур илм-маърифат маркази ҳозирданок ўз маҳобати, амалга ошираётган маънавий, илмий тадқиқот фаолияти билан бутун дунё хавасини келтирмоқда.

Ҳақиқатан, бугун “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги қонун қабул қилингани жамиятдаги жуда кўп масалаларни ечди. У ҳоқ диний таълим ёки жамиятдаги фаолият маъносиде бўлади-ми — мутлақо янги қонун ўз вақтида қабул қилинди. Ушбу қонуннинг ишлаб чиқилиши, тахрирдан ўтказилиши жараёнларида ҳам мухтарам Президентимизнинг бевосита

ҚУЛФИ ДИЛНИ ОЧГУВЧИ АСРОР

ёхуд ахборот-кутубхона хизматларининг янги тизими

Гулноза ҲАСАНОВА,
Тошкент шаҳар “Bilim” ахборот-кутубхона
маркази етакчи мутахассиси

Нобель мукофоти совриндори Уильям Фолькнер ўз маърузаларидан бирида шундай дейди: “Ёзувчи ва шоирнинг бурчи — мардлик, ор-номус, умид, раҳм-шафқат, муруват, фидойилик каби инсонга хос азалий ифтихорни мустаҳкамлаш йўли билан одамлар қалбига мадд беришдан иборат. Уларнинг овози, шунчаки акс-садо бўлмасдан, одам ҳаёт синовларига бардош бериши ва тантана қилиши учун замин, таянч бўлмоғи лозим”.

Дарҳақиқат, биз яхши китобни мутлаа қилган чоғда ана шу мададни — ўзимиз истаган, излаган нурни ҳис қиламиз. Кутубхонамизга келадиган йигит-қизлар ҳам сеvimли қаҳрамонлари тимсолида ўз ҳаётининг қайсидир чигалликларига ечим тогланларини эътироф этади. Яқин йилларда қуриб битказилган шинам ва ёруғ кутубхонамизда жамланган китобларга боқиб, мутлаадан айро тушган давр фожиаларини, асл китоблар қадрсизланган замон ноалаларини эшитгандек бўламан. Шукри, яна илм-фан эъзозланадиган, китобхон давралар эътироф этиладиган яхши замонларга етиб келдик.

Китобсевар юрт фуқаросиман

Юртимизда ижтимоий, маданий ва халқаро ҳаётнинг деярли барча жиҳатларига тааллуқли ижобий ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳам-жамиятига қўшилиши ботида фаол ва самарали қадамлар қўйилдики, бу кўп жиҳатдан мамлакат фуқароларига ахборотдан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш даражаси билан боғлиқ.

Айниқса, ёшларнинг китобга бўлган қизиқишларини юксалтириш мақсадида кўплаб лойиҳалар йўлга қўйилди. Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб махсуслотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги” қарори дастурийлашган бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарорида белгиланган вазифалар, бир томондан, азалдан китобсевар халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг китоб мутлааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш юзасидан ҳозирги замон талаблари даражасида жуда кенг имкониятлар яратишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, яқин вақт оралиғида Ўзбекистонимизнинг том маънода китобхонлар юртига айланишига хизмат қилмоқда.

Инсониятнинг энг буюк кашфиёти

Аҳолининг ахборот олишга, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятдан эркин, тез ва сифатли фойдаланишга бўлган имкониятлари қай даражада ривож топганига бир назар ташлаган инсон, албатта, ўз қалбига гурур-ифтихор туйғусини ҳис этади.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий-маърифий қадриятлари сақлашга қаратилган мутлақо янги, замонавий кўринишдаги ахборот-кутубхона тизимини яратиш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Ахборот ва коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланаётган XXI асрда ахборот сиёсати маданий сиёсатнинг бир бўлағига айланди. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг қатор қарорлари ва соҳага оид қонун қабул қилиниши кутубхоначилик ишида тарихий воқеа бўлиб, анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан замонавий ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишга асос солинди. Президентимиз таъкидлаганидек, “Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ, биринчи нав-

батда, ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти — китоб ва кутубхоналарда мужассамдир”.

Маърифат масканлари илмга, ижодга чанқоқ ёшларни қорлайди

Фахр билан айтиш жоизки, юртимизда ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган кўплаб маърифат масканлари барпо этилмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси учун янги бино қурилиши мамлакатимизда маънавият ва маърифат ривожини йўлида кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик ва эътиборнинг давоми бўлди. Унинг бой ва нодир ахборот-кутубхона фонди маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмидир.

Мамлакат ҳаётида содир бўлаётган



ижтимоий ўзгаришлар ёш авлоднинг жамиятдаги ўрни масаласига янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Зеро, баркамол авлод сиёсий, маънавий етуқлик даражаси юқори бўлган тақдирдагина ижтимоий ҳаётнинг тараққиёт қонунларини, ҳуқуқий давлат моҳиятини ва унинг инсониятга адолатли ҳаёт кечирishiда ягона қасолат эканини чуқур идрок этиши мумкин.

Интернет тармоғида миллий контент ривожини

Ҳозирги кунга келиб, мамлакатимизнинг энг йирик зиё масканида халқаро тажрибани ва кутубхона фойдаланувчиларининг, энг аввало, ёшларнинг эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, мутлаа залларининг ихтисослашуви ва



жоилашиши тақомиллаштирилди. Ихтисослаштирилган электрон кутубхона зали, мультимедиа технологиялари зали ташкил этилиб, уларда Интернет тармоғидан фойдаланиш таъминланди. Ахборот ва оммавий коммуникация технологиялари агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфидagi 14 та Ахборот-кутубхона маркази автоматлаштирилган маҳаллий компьютер тармоқлари билан жиҳозланиб, интернет тармоғига улангани фойдаланувчиларга янада қулайлик яратади. Асосий мақсад ёшларда мустақил равишда ахборот олишга бўлган интилиш ва қизиқишни кучайтириш, уларни янги чоп этилган ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий, ўқув-бадний адабиёт билан батафсил таништириш билан бирга китоб мутлаасини оммалаштириш, ахборот маданияти даражасини ошириш, интернет тармоғида миллий контентни ривожлантиришга ҳисса қўшиш ва интернетни ахборот-кутубхона хизматидаги имкониятларини янада оширишга қаратилган.

Пойтахт ёшларига ажойиб тўхфа

Бевосита ислохотларнинг давоми сифатида Президентимиз ташаббуси билан Олмасор туманида Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон номли кутубхоналар биноси қуриб битказилди. 2019 йил 13 январда ушбу кутубхоналар Тошкент шаҳар “Bilim” Ахборот-кутубхона маркази тасарруфида берилгани пойтахт аҳолисига ва айниқса, ёшларга янада кенг имкониятлар эшигини очди.

Ахборот-кутубхона соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши бир қатор устуворликлар белгиланишига олиб келди. Президентимиз томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган 5 муҳим ташаббусдан бири — ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб этиш экани ҳам биз, мутахассисларга дастурийлашган ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, охириги беш йилда китоб тарғиботи, кутубхоналар фаолияти, китобхонлик, мутлаа маданиятини ошириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу соҳада олиб борилаётган ислохотлар бизга китоб, кутубхона ва китобхонлик каби қадриятларини қайтариб берди. Тошкент шаҳар “Bilim” ахборот-кутубхона маркази кенг аҳоли қатламининг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган махсус чора-тадбирлар асосида фаолият олиб бормоқда. Аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим ва мустақил равишда билим олиши, шунингдек, маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлиши, маънавий бой ва камол тоглан

шахсининг ижодий ўсишига имконият яратиб берилди.

Орзулар рўёби: “Кутубхоначилар кунини”

2019 йил 7 июнда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиши янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда Республикада ижтимоий-иқтисодий соҳани ислох қилишнинг ҳозирги босқичида ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари, жумладан, мамлакатимиз мустақиллигининг улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, тарихий ва маънавий-маърифий аҳамиятини аҳолига ва ёшларга кенг тарғибот қилиш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу қарор билан кўп миң сонли кутубхоначиларнинг азалий орзуси ушалади. Ҳар йили 21 май — **Кутубхоначилар кунини** деб белгиланиб, бунда соҳа ходимларини кўп йиллик ҳалол меҳнати ва ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун давлат мукофотлари билан тақдирлаш ва рағбатлантириш белгиланди. Албатта, бу биз учун катта эътибор, улкан рағбат, эътироф бўлибгина қолмасдан, юксак масъулиятдир.

“Ахборот-кутубхона аълочиси” кўкрак нишони таъсис этилди

Мустақиллик йилларида соҳага берилаётган эътибор ва мутахассислар фаолиятининг яна бир эътирофини жорий йилнинг 19 май кунини “Central Asia — 2021: Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари” XIV Халқаро конференцияси ва “Китоб ва мутлаа — жамият тараққиётининг стратегик ресурси” Ҳамдўстлик форуми доирасида ахборот-кутубхона соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшган мутахассисларни “Ахборот-кутубхона аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирлаш маросимини бўлиб ўтганида яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта кутубхоначилик соҳасида кўп йиллик самарали меҳнати ва ахборот-кутубхона соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси учун 126 нафар кутубхоначи “Ахборот-кутубхона аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ҳа, буларнинг барчаси мустақиллигимиз тугайлидир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз”. Халқимизнинг маънавиятини янада юксалтириш учун мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар самараси халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилаётгани ҳар қанча фахрланишга арзийди. Зеро, юксак маънавиятли халқни ҳеч ким енга олмайди.



Шуҳрат РИЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси

Бу табарруқ кунларимиз — мустақиллигимизнинг муборак 30 йиллиги арафаси. Фикровчи ҳар бир инсон — ўзбекистонлик бундай паллаларда ҳаёлидан кўп нарсаларни ўтказди, хотираларга берилади, сарҳисоб қилади. Ўттиз йил кичик муддат эмас, навқирон бир йигит умри. Одамий қувватланиш, фикрий шаклланиш айна шу паллада бўй беради. Катта-катта орзулар, режалар шу ёшларда инсон қалбига индади ва у шахду шижоат бўлса, шахдам ҳаракатларга бошлайди.



Хўш, биз шу маънода ўтган 30 йил оралиғида нималар қилдик, қандай мақсадлар қўйдик олдимизга ва нималарга эришдик?

Ҳозир ижтимоийёшчи олим — мутахассисларимиз ўтган ўттиз йилнинг чорак асрини “Миллий тикланиш” палласи, давлат ва жамият арқонларини тиклашда ниҳоятда муҳим, илк босқич, деб қараяпти. Бу ўринли ва табиий ёндашув. Биз чорак аср миллий бирлигини асраш учун кўп ишлар қилдик, жуда кўп синовлар, чигирқлардан ўтдик. Ён-атрофимизда биродарқушлиқнинг совуқ шамоллари эса бошлаганда биз замона шеваларига учиб, ҳар кимнинг сўзига қириб, аравани ҳар томонга тортмадик. Аксинча, мустақил Ўзбекистонни кураммиз дея бирлашиш ва интилиш йўлини тутдик, ҳаётбахш орзулар ва ёғлар билан яшадик. Гоҳо дастурхонимиз гариброк бўлса-да, нону тузсиз қолмадик, устимиз бут, энг муҳими, кўнгил тўқ бўлди. Чунки биз мустақилмиз, озодмиз, эркинмиз деган туйғу билан яшадик. Камининг ўрни тулар, қўлдан қўён қочиб қутулмас, бирга-бирга ҳаракат қилайлик, деган йўлни тутдик. Шукр, кам бўлмадик, бир жойда тўхтаб, қотиб қолмадик, жаҳолат ботқоғига ботмадик. Олдинга қарадик, фақат олдинга. Бу йўлда Биринчи Президентимиздан бошлаб бугун орамизда бору йўқ кўпгина арбобларимиз — мутасадди инсонлар, эндиликда фахрий мўътабарларнинг саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади. Ўтган мустақил чорак аср том маънода миллий тикланиш, оёққа туриш, ўнгланиш даври бўл-

ди. Бори Ўзбекистоннинг баянду оралиғида нималар қилдик, қандай мақсадлар қўйдик олдимизга ва нималарга эришдик?

Ҳозир ижтимоийёшчи олим — мутахассисларимиз ўтган ўттиз йилнинг чорак асрини “Миллий тикланиш” палласи, давлат ва жамият арқонларини тиклашда ниҳоятда муҳим, илк босқич, деб қараяпти. Бу ўринли ва табиий ёндашув. Биз чорак аср миллий бирлигини асраш учун кўп ишлар қилдик, жуда кўп синовлар, чигирқлардан ўтдик. Ён-атрофимизда биродарқушлиқнинг совуқ шамоллари эса бошлаганда биз замона шеваларига учиб, ҳар кимнинг сўзига қириб, аравани ҳар томонга тортмадик. Аксинча, мустақил Ўзбекистонни кураммиз дея бирлашиш ва интилиш йўлини тутдик, ҳаётбахш орзулар ва ёғлар билан яшадик. Гоҳо дастурхонимиз гариброк бўлса-да, нону тузсиз қолмадик, устимиз бут, энг муҳими, кўнгил тўқ бўлди. Чунки биз мустақилмиз, озодмиз, эркинмиз деган туйғу билан яшадик. Камининг ўрни тулар, қўлдан қўён қочиб қутулмас, бирга-бирга ҳаракат қилайлик, деган йўлни тутдик. Шукр, кам бўлмадик, жаҳолат ботқоғига ботмадик. Олдинга қарадик, фақат олдинга. Бу йўлда Биринчи Президентимиздан бошлаб бугун орамизда бору йўқ кўпгина арбобларимиз — мутасадди инсонлар, эндиликда фахрий мўътабарларнинг саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади. Ўтган мустақил чорак аср том маънода миллий тикланиш, оёққа туриш, ўнгланиш даври бўл-

ди. Бори Ўзбекистоннинг баянду оралиғида нималар қилдик, қандай мақсадлар қўйдик олдимизга ва нималарга эришдик?

Ҳозир ижтимоийёшчи олим — мутахассисларимиз ўтган ўттиз йилнинг чорак асрини “Миллий тикланиш” палласи, давлат ва жамият арқонларини тиклашда ниҳоятда муҳим, илк босқич, деб қараяпти. Бу ўринли ва табиий ёндашув. Биз чорак аср миллий бирлигини асраш учун кўп ишлар қилдик, жуда кўп синовлар, чигирқлардан ўтдик. Ён-атрофимизда биродарқушлиқнинг совуқ шамоллари эса бошлаганда биз замона шеваларига учиб, ҳар кимнинг сўзига қириб, аравани ҳар томонга тортмадик. Аксинча, мустақил Ўзбекистонни кураммиз дея бирлашиш ва интилиш йўлини тутдик, ҳаётбахш орзулар ва ёғлар билан яшадик. Гоҳо дастурхонимиз гариброк бўлса-да, нону тузсиз қолмадик, устимиз бут, энг муҳими, кўнгил тўқ бўлди. Чунки биз мустақилмиз, озодмиз, эркинмиз деган туйғу билан яшадик. Камининг ўрни тулар, қўлдан қўён қочиб қутулмас, бирга-бирга ҳаракат қилайлик, деган йўлни тутдик. Шукр, кам бўлмадик, жаҳолат ботқоғига ботмадик. Олдинга қарадик, фақат олдинга. Бу йўлда Биринчи Президентимиздан бошлаб бугун орамизда бору йўқ кўпгина арбобларимиз — мутасадди инсонлар, эндиликда фахрий мўътабарларнинг саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади. Ўтган мустақил чорак аср том маънода миллий тикланиш, оёққа туриш, ўнгланиш даври бўл-